

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 18/5

« 16 » 03 2022 йил

Тошкент вилояти

Чирчик шаҳар Тиббиёт Бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ганиева Х.А. (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан «SHOXRUX-DILDORA SAVDO» MChJ номидан Низом (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбар Абдураимов Ж. (кейинги ўринларда Аутсорсинг деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Аутсорсинг Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсинг мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар куни Буюртмачини Даволанаётган беморлар учун нонушта, иккинчи нонушта, тушлик, кечки овқат меню асосида иссиқ овқатлар тайёрлаб бериши хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил « 16 » 03 дан.

2022 йил « 31 » 03 гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсинг томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсингнинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Аутсорсинг қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш,

2.1.3. Хизматлар таннарихининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш,

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсинг қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда ўларни ўз ҳисобидан таъмирлаш харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши,

2.2.5.Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6.Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ хажмда кўрсатиши;

2.2.7.Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсинг мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8.Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсинг зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9.Малакали, тажрибали, қуйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (куриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматли бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10.Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаш,

2.2.11.Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12.Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13.Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14.Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15.Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитиш (малакасини оширишни) амалга ошириш(талаб этилган ҳолларда);

2.2.16.Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.2.17.**Кўрсатилган хизматлар учун аутсорсинг хизмати кўрсатиш тўғрисидаги низомини 2 боб 6- бандига асосан 20 фоиз ўстама ҳақ олади.**

**2.3.Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1.Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2.Аутсорсингнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3.Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсингни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4.Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4.1.Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2.Аутсорсингга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3.Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.4.4.Аутсорсинг томонидан фойдаланилган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва сихатгоҳга ажратилган бюджет маблағи доирасидан қоплаб беради.

### III. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ЎЗARO ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 138446300  
(Бир юз ўттиз саккиз миллион етти юз сўччи минг уш юз) сўмни ташкил этади ҚҚС билан.

Тегишли хизмат тан нархига (иш хаки, иш хақига ажратма, моддий харожатлар, билвосита харожатлар) Аутсорсинг харажати қоплаш мақсадида шартномада белгиланган 20 фоиз устама хақини ҳисобга олган.

3.2. Аутсорсинг томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати буйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатилган хизматларнинг амалдаги сони хақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсинг билан биргаликда хар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсинг ва Буюртмачи томонидан имзоланган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

3.6. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб китоби шартнома суммасининг 30 % миқдорида олдиндан 70 % ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб хар 10 кунда, якуний ҳисоб китоб эса кейинги ойнинг 5 санасига қадар амалга оширилади.

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Аутсорсинг шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига хар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (Аутсорсингнинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда булган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

### V. МУНОЗАРАЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб - таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилди.

## VI.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1.Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тўсдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар руй берган муддатга сурилади.

## VII.ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1.Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3.Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган кейин Тошкент вилоят Чирчик шаҳар газначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кадар амал қилади.

## IX.ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Аутсорсинг»


ООО «SHOXRUX-DILDORA SAVDO»	
Адрес: Зангиота т-н Бешикчилар кучуси 11 д.	
Тел.: (94) 633-78-86; (97) 712- 18-04	
Х/Р 20208000900550122001	
«Агробанк» Тошкент вилояти филиали	
Инн: 303688423; МҲӨ: 00454; ОКОНХ:13142	
Рахбар	Абдураимов Ж.



### «Буюртмачи»

Чирчик вилоятининг Чирчик шаҳар газначилик бошқармаси  
8к/шоҳад  
4013228802 44197073101054001  
ИММ 200346296  
Ошр. қўймаг. ва. 2 зарлик  
25402000300 100001010  
ИММ 20102919 110000014  
Мажб. б. т. ш. Б.Б. Ҳ.К.К.М



Рахбар:




### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№ Т/р	Номи	Ўл.бир	Сони	Нархи	Суммаси
1.	Эрталабки нонушта, тушлик, полдник, кечки овкат	порция	5357	25900	138746300
	<b>Жами:</b>				<b>138746300,00</b>

Сумма суз билан : (    Бир юз уттиз саккиз миллион етти юз кирк олти минг уч юз сум 00 тийин ККС билан.  
**ККС 18097343,48 сум.**

Бажарувчи:	Буюртмачи:
ООО «SHOXRUX-DILDORA SAVDO»	<i>70076.8 к/молда</i>
Адрес: Зангиота т-н Бёшикчилар кучуси 11 д.	<i>401322860274187073101054001</i>
Тел.: (94) 633-78-86; (97) 712- 18-04	<i>4011200946296</i>
X/P 20208000900550122001	<i>от кўрмас ба 22 сурмак</i>
«Агробанк» Тошкент вилояти филиали	<i>23482000300100001010</i>
Иин: 303688423; МФО:00454; ОКОНХ:13142	<i>сервисда 122919 2170 00014</i>
	<i>Мирза Б. Т. И.</i>
Рахбар  Абдураимов Ж.	Бошлиги:  <i>Б.Б. ХККМ</i>



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TOG'RIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 5550

№ 000600

2016 yil "06" yanvar

Mazkur guvohnoma

"SHOXRUX-DILDORA SAVDO"  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiya:

CHSHT (ОПФ)

152

Mulkchilik shakli:

Xususiy

MSHT (ФС)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

Zangiota tumani, Ko'ksaroy Q.F.Y.  
Beshikchilar ko'chasi, 4-tup, 11-uy.

MHBT (COATO)

1727237554

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

25928006

Asosiy faoliyat turi: Polimer plyonka, quvur va listlar ishlab chiqarish

XXTUT (ОКОПХ)

13142

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИНН)

303688423

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ bos'lig'i:

A. Dadaboyev

GUVOHNOMANI  
QALBAKLASHTIRISH  
QONUN TOMONIDAN  
TA'QIS QILINADI



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 45066 на приобретение Аутсорсинг (горячее питание)

Способ проведения электронный

Дата 14.03.2022

Время рассмотрения 14.03.2022 17:53

Конкурсная комиссия Чирчик шаҳар Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	GANIYEVA XALIDA ACHILEVNA	Главный врач	ЧШТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	KUDINOVA NATALYA PAVLOVNA	Проф.ком	ЧШТБ
<b>Член комиссии</b>	GANIYEVA ODINA BAXTIYOROVNA	Главная медсестра	ЧШТБ
<b>Член комиссии</b>	ABDUNAZAROVA GULCHEXRA ABDURASHIDOVNA	Заведующая туб.диспансер	ЧШТБ
<b>Член комиссии</b>	ARIFJANOVA ELMIRA MUXAMMADJANOVNA	Зам.главного врача	ЧШТБ
<b>Член комиссии</b>	NASIROVA NILUFAR SHOISMONOVNA	Старшая медсестра	ЧШТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.03.2022 года № лота 45066.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 35

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по организации горячего питания
Подробное описание	Аутсорсинг(питание)
Количество товара	5 357.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	28 000.00
Стартовая сумма	149 996 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 парhez таомлар тайёрлаш учун махсус сертификатга эга бўлган; корхона томонидан берилётган озиқ-овқат маҳсулотларининг мувофиқлик сертификатлари мавжуд; корхона томонидан берилётган парhez таомлари ССВнинг парhez бўлиmidан рўйхатдан ўтган; солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлмаган бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ойлик меню намунасини тақдим қилишлиги, Менюлар Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган техноменю дастури орқали тузилган бўлишлиги шарт;

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО РОУТАХТ G'ОУА ТАОМ	10	Файл	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		прикреплён				
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	10	Файл прикреплён	4	Экспертная		
ООО "ONLY CHANCE"	10	143567600	7	Экспертная		
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	10	138746300	9	Экспертная		
ООО KINDER GARDEN GROUP	10	10	3	Экспертная		
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	10	10	2	Экспертная		

Критерий №2 Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона руйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ходимлари булиши шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО РОУТАХТ G'OYA TAOM	10	Файл прикреплён	5	Экспертная		
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	10	Файл прикреплён	4	Экспертная		
ООО "ONLY CHANCE"	10	143567600	7	Экспертная		
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	10	138746300	10	Экспертная		
ООО KINDER GARDEN GROUP	10	10 балл Таклиф этилаётган маълумотлар буйича ғолибни аниқлашда комиссия аъзолари шаффофликка асосланмаса юқори турувчи ташкилотларга мурожаат этилади	3	Экспертная		
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	10	10	2	Экспертная		

Критерий №3 озиқ-овқат махсулотлари сифатли бўлиши ҳамда каллорияси 2500-3500 кл/каль оралиғида бўлиши ҳисобга олинади. Озиқ-овқат махсулотлари тайёрлаш учун тузилган меню худудий хокимлик органлари томонидан белгиланган нархлари буйича хисоб-китоб килиниши шарт;

Тип: Текстовое значение

Описание: беморлар учун иссиқ овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда тажрибага эга бўлиши

Обязательность: Не критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО РОУТАХТ G'UYA TAOM	10	Файл прикреплен	5	Экспертная		
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	10	Файл прикреплен	5	Экспертная		
ООО "ONLY CHANCE"	10	143567600	7	Экспертная		
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	10	138746300	9	Экспертная		
ООО KINDER GARDEN GROUP	10	10	3	Экспертная		
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	10	10	2	Экспертная		

Критерий №4 Вазирлар Маҳкамасининг 16-сонли қарорига асосан сифатли парҳез таомлари тайёрлаш зарур. Кўрсатилган шартларни тўлиқ бажариш салоҳиятига эга бўлган корхоналарни озиқ-овқат аутсорсинг хизматида тақлиф этамиз.

Тип: Текстовое значение

Описание: Аутсорсинг фаолияти тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган (ССВнинг қарорига асосан) тажрибали; банк айланма маблағи 10 млрддан ортиқ бўлган; корхонада фаолият юритаётган ошпазлар дипломи мавжуд.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО РОУТАХТ G'UYA TAOM	10	Файл прикреплен	3	Экспертная		
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	10	Файл прикреплен	3	Экспертная		
ООО "ONLY CHANCE"	10	143567600	6	Экспертная		
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	10	138746300	10	Экспертная		
ООО KINDER GARDEN GROUP	10	10 балл, Таклиф этилаётган махлумотлар буйича ғолибни аниқлашда комиссия аъзолари шаффофликка асосланмаса юқори турувчи ташкилотларга мурожаат этилади	3	Экспертная		
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	10	10	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО KINDER GARDEN	149 996 000.00	115 175 500.00	13.03.2022	

GROUP			19:53:31	
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	149 996 000.00	117 854 000.00	11.03.2022 11:59:35	
ООО "ONLY CHANCE"	149 996 000.00	143 567 600.00	12.03.2022 13:04:04	28.99
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	149 996 000.00	138 746 300.00	12.03.2022 13:23:22	30.00
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	149 996 000.00	123 211 000.00	13.03.2022 20:19:31	
ООО POYTAXT G'OYA TAOM	149 996 000.00	128 568 000.00	11.03.2022 11:53:21	

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО KINDER GARDEN GROUP	21		21
STROY AND FOOD SERVIS MCHJ	28		28
ООО "ONLY CHANCE"	47.6	28.99	76.59
SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ	66.5	30	96.5
KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ	12.6		12.6
ООО POYTAXT G'OYA TAOM	31.5		31.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 45066 от 14.03.2022 года на приобретение Аутсорсинг (горячее питание) определила победителем:

SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ  
303688423

и резервный исполнитель: ООО "ONLY CHANCE" (307169203)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	ABDUNAZAROVA GULCHEXRA ABDURASHIDOVNA	Согласен	
Председатель комиссии	GANIYEVA XALIDA ACHILEVNA	Согласен	
Член комиссии	ARIFJANOVA ELMIRA MUXAMMADJANOVNA	Согласен	
Член комиссии	GANIYEVA ODINA BAKHTIYOROVNA	Согласен	
Член комиссии	NASIROVA NILUFAR SHOISMONOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

### 1. Loyihaning turi. SHARTNOMA.

### 2. Loyihaning nomi.

Chirchiq shahar Tibbiyot birlashmasi va "SHOXRUX-DILDORA SAVDO"  
MCHJ o'rtasida umumiy summasi 138 746 300,00 so'mlik outsorsing xizmatini  
-- ko'rsatish to'g'risida.

### 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Toshkent viloyati Chirchiq shahar Tibbiyot birlashmasi  
tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun  
16.03.2022-yilda elektron tizim orqali yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul  
qilish maqsadga muvofiq.

*Izoh: Shartnomada ko'rsatilgan pul summasi yuridik markaz xodimi javobgarligiga  
kirmaydi.*

Markaz Bosh yuriskonsulti



S.Uskanov